**Лойиҳа-смета ишларини бажариш учун**

**6/ЛС -сонли ШАРТНОМА**

**Навоий ш.** **«13» Июль 2022 йил**

Бундан буён **“Буюртмачи”** деб аталувчи **Навоий вилояти автомобил йўллари бош бошқармаси** номидан Низом асосида иш кўрувчи директори **Э.Камолов** ва бундан буён **“Бажарувчи”** деб аталувчи **“Navoiy yo`l proekt” МЧЖ** номидан иш юритувчи директор **А.Жабборов. Навоий вилояти Қизилтепа тумани худудидан ўтувчи махаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини жорий таьмирлаш.** ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги шартномани туздилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи **Навоий вилояти Қизилтепа тумани худудидан ўтувчи махаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини жорий таьмирлаш.** ишлари учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқишни топширади, Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.2. Ишларни бошланиш вақти-шартнома тузилган кундан бошлаб.
Ишларни тугатиш вақти-5 кун муддатда.

1.3. Бажарилган ишлар Навоий вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси эркин танлов комиссиясининг https://etender.uzex.uz/ порталидаги Лот № 115149 бўйича “7” “июль” 2022-йилдаги баённомасига асосан амалга оширилади.

## 2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Шартнома бахоси 2022 йил тасдиқланган йўл ишлари манзилли рўйхатига асосан **ҚҚС сиз 15 000 000 (Ўн беш миллион)** сўмни ташкил қилади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ғазначилик рўйхатидан ўтгандан сўнг манзилий рўйхат асосида шартнома баҳосининг 30 % миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ёки ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда шартнома баҳоси ўзгартирилиши мумкин.

2.4. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.5. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.6. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

## 3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчига тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган хажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан аванс тўловлари ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ёки ишни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг талабига асосан тақдим этмаганида ишларни бошлаш ва туғаллаш муддати ҳам аванс тўлови ва маълумотлар берилиши кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

## 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

## 5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бунда қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## 7. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Хар бир обьект учун техник топшириқ Буюртмачи томонидан алохида ишлаб чиқилади ҳамда Бажарувчига топширилади.

7.3. Ўзаро мулоқот йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.4. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.5. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш фақат ўзи бажариши шарт.Бу ишларни учинчи шахсларга беришга ваколатли эмас.

7.6. Мазкур шартноманинг шартлари шартнома предмети бўйича тарафларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига ва Бажарувчининг обьект бўйича бажарган ишларига нисбатан қўлланилади.

7.7. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар тегишли иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан холларда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

7.8. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечиктирилган хар бир кун учун 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси

шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.9. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.10.Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома бахосини келишув баённомаси (1- илова)
- Молиялаштириш жадвали (2- илова)

7.11. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.12. Шартнома томонлар томонидан имзоланиб Ғазначиликдан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

7.13. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

7.14. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

## 8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

**Буюртмачи:**

**Навоий вилояти автомобил йўллари бош бошқармаси**

Навоий ш. Гулистон кўрғони
Наврўз кўчаси, 29-уй
Тел: 79-220-63-67,Факс: 79-220-63-66
Х/Р 3045 1086 0124 0170 4515 311 8001
Республика марказий банк
МФО: 00014 ИНН: 200 850 780
ХХТУТ: 97400, КТУТ: 15012865
Навоий вилояти Ғазначилик бошқармаси

**Бажарувчи:**

**“Navoiy yo`l proekt” МЧЖ**

Навоий ш.Гулистон қ.
Наврўз кўчаси 29-уй
Тел: 97-377-15-96
Х/р: 2020 8000 6053 4739 3001
АИТБ Ипак йўли банки Навоий филиали
МФО:00199 ИНН 308 216 150

**Имзолар**

**Навоий АЙББ бошлиғи:**

__________ **Э.Камолов**

**Хуқуқшунос**__________ **Н.Камолов**

**“Navoiy yo`l proekt” МЧЖ директори:**

__________ **А.Жабборов**

2022 йил « 13 июльдаги
6/ЛС - сонли шартномага 1- илова

**Шартнома баҳосини келишуви**

**Б А Ё Н Н О М А С И**

Биз, қуйида имзо қўювчилар: **Навоий вилояти Қизилтепа тумани худудидан ўтувчи махаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини жорий таьмирлаш.** ишлари учун лойиҳа-смета хужжатларини **ҚҚС сиз 15 000 000 (Ўн беш миллион)** сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб–китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

**Буюртмачи:**

**Навоий вилояти автомобил йўллари бош бошқармаси**

Навоий ш. Гулистон қўрғони
Наврўз кўчаси, 29-уй
Тел: 79-220-63-67, Факс: 79-220-63-66
Х/Р: 3045 1086 0124 0170 4515 311 8001
Республика марказий банк
МФО: 00014 ИНН: 200850780
ХХТУТ: 97400, КТУТ: 15012865
Навоий вилояти Ғазначилик бошқармаси

**Бажарувчи:**

**“Navoiy yo`l proekt” МЧЖ директори**

Навоий ш.Гулистон қ.
Наврўз кўчаси 29-уй
Тел: 97-377-15-96
Х/р: 2020 8000 6053 4739 3001
АИТБ Ипак йўли банки Навоий филиали
МФО:00199 ИНН 308 216 150

**Имзолар**

________________ **Э.Камолов**

________________ **А.Жабборов**

2021 йил 13 Июлдаги
6/ЛС – сонли шартномага 2- илова

**Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги махаллий ахамиятидаги автомобиль йўлларини жорий таьмирлаш. лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш**

**БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ**

| № | Бажариладиган ишларнинг номи | Қиймати | Бажариш | | Молиялаштириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | муддати | қиймати | 2022 йил |
| | Аванс тўлови 30% | 15 000,000 | 2022 йил ____кун | 15 000,000 | 4 500,000 |
| 1 | 70% | | | | 10 500,000 |
| | **Жами:** | **15 000,000** | | **15 000,000** | **15 000,000** |

**Буюртмачи:______________Э.Камолов**

**Бажарувчи:______________А.Жабборов**

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 115149 на приобретение Кизилтепа махаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш

Способ проведения электронный

Дата 07.07.2022

Время рассмотрения 06.07.2022 14:50

Конкурсная комиссия Навоий вилояти Автомобиль йуллари бош бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | Камолов Эркин Шамсиддинович | Бошлиқ | Навоий вилояти АЙББ |
| **Секретарь комиссии** | RAXMONOV BEGMUROD CHINPO‘LOTOVICH | булим бошлиги | Навоий вилояти АЙББ |
| **Член комиссии** | Камолов Нодир Эсанович | юрист | Навоий вилояти АЙББ |
| **Член комиссии** | Халимов Алишер Хамзаевич | бош мухандис | Навоий вилояти АЙББ |
| **Член комиссии** | Жўраев Илхом Мухиддинович | булим бошлиги | Навоий вилояти АЙББ |
| **Член комиссии** | Хакимов Фахриддин Акрамович | бош хисобчи | Навоий вилояти АЙББ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.07.2022 года № лота 115149.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по разработке проектно-сметных работ** |
|---|---|
| Подробное описание | Кизилтепа махаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 15 265 000.00 |
| Стартовая сумма | 15 265 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда объектга ўхшаш объектларда иш тажрибалари(Шартнома, фактура илова килинади)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда объектга ўхшаш объектларда иш тажрибалари(Шартнома, фактура илова килинади)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО NAVOIY GRAND PROJECT** | 10 | МАВЖУД | 10 | Экспертная | | |
| **ООО NAVOIY YO'L PROEKT** | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| **ООО. НАВОИЙЙУЛЛОЙИХА** | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Қурилиш майдончасини кўриш кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома(буюртмачи вакили билан бирга)

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдончасини кўриш кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома(буюртмачи вакили билан бирга)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО NAVOIY GRAND PROJECT** | 9 | МАВЖУД | 9 | Экспертная | | |
| **ООО NAVOIY YO'L PROEKT** | 9 | мавжуд | 9 | Экспертная | | |
| **ООО. НАВОИЙЙУЛЛОЙИХА** | 9 | мавжуд | 9 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг иш хаки жамгармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ва солиқдан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумот(Солиқ органларидан тасдиқланган ҳолда)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг иш хаки жамгармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ва солиқдан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумот(Солиқ органларидан тасдиқланган ҳолда)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО NAVOIY GRAND PROJECT** | 10 | МАВЖУД | 10 | Экспертная | | |
| **ООО NAVOIY YO'L PROEKT** | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| **ООО. НАВОИЙЙУЛЛОЙИХА** | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Объектнинг(лойиҳанинг) бажариш жадвали

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектнинг(лойиҳанинг) бажариш жадвали

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO NAVOIY GRAND PROJECT** | 5 | МАВЖУД | 2 | Экспертная | | |
| **OOO NAVOIY YO'L PROEKT** | 5 | мавжуд | 5 | Экспертная | | |
| **ООО. НАВОИЙЙУЛЛОЙИХА** | 5 | мавжуд | 2 | Экспертная | | |

Критерий №5 Танлов иштирокчисининг умумий маълумотлари(лицензия, гувохнома)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг умумий маълумотлари(лицензия, гувохнома)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO NAVOIY GRAND PROJECT** | 10 | МАВЖУД | 10 | Экспертная | | |
| **OOO NAVOIY YO'L PROEKT** | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| **ООО. НАВОИЙЙУЛЛОЙИХА** | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 Кадрлар Ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги(1 та гип 3 йил иш стажи, 1 та бош мутахассис 2 йил иш стажи, 1 та сметчик 2 йил иш стажи, 2 та мутахассис 1 йил иш стажи, 1 та еткачи мутахассис 1 иш стажи, Диплом ва мехнат дафтарчаси )

Тип: Текстовое значение

Описание: Кадрлар Ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги(1 та гип 3 йил иш стажи, 1 та бош мутахассис 2 йил иш стажи, 1 та сметчик 2 йил иш стажи, 2 та мутахассис 1 йил иш стажи, 1 та еткачи мутахассис 1 иш стажи, Диплом ва мехнат дафтарчаси )

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO NAVOIY GRAND PROJECT** | 25 | МАВЖУД | 25 | Экспертная | | |
| **OOO NAVOIY YO'L PROEKT** | 25 | мавжуд | 25 | Экспертная | | |
| **ООО. НАВОИЙЙУЛЛОЙИХА** | 25 | мавжуд | 25 | Экспертная | | |

Критерий №7 Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари(молиявий натижа, баланс, даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлов ҳисоботи, ҚҚС ёки айланма олиқ ҳисоблари)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари(молиявий натижа, баланс, даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлов ҳисоботи, ҚҚС ёки айланма олиқ ҳисоблари)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО NAVOIY GRAND PROJECT** | 25 | МАВЖУД | 25 | Экспертная | | |
| **ООО NAVOIY YO'L PROEKT** | 25 | мавжуд | 25 | Экспертная | | |
| **ООО. НАВОИЙЙУЛЛОЙИХА** | 25 | мавжуд | 25 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **ООО NAVOIY GRAND PROJECT** | 15 265 000.00 | 15 240 000.00 | 04.07.2022 18:20:09 | 19.69 |
| **ООО NAVOIY YO'L PROEKT** | 15 265 000.00 | 15 000 000.00 | 04.07.2022 21:04:37 | 20.00 |
| **ООО. НАВОИЙЙУЛЛОЙИХА** | 15 265 000.00 | 15 260 000.00 | 05.07.2022 10:44:38 | 19.66 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО NAVOIY GRAND PROJECT** | 77.4472 | 19.68504 | 97.13224 |
| **ООО NAVOIY YO'L PROEKT** | 80 | 20 | 100 |
| **ООО. НАВОИЙЙУЛЛОЙИХА** | 77.4472 | 19.65924 | 97.10644 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 115149 от 07.07.2022 года на приобретение Кизилтепа махаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш определила победителем:

ООО NAVOIY YO'L PROEKT
308216150

и резервный исполнитель: ООО NAVOIY GRAND PROJECT (305881547)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | Халимов Алишер Хамзаевич | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | Камолов Эркин Шамсиддинович | Согласен | |
| **Член комиссии** | Жўраев Илхом Мухиддинович | Согласен | |
| **Член комиссии** | Камолов Нодир Эсанович | Согласен | |
| **Член комиссии** | Хакимов Фахриддин Акрамович | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

№05-05/1-125
29.04.2022 й.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош вазирининг биринчи**
**ўринбосари**

**А.Ж. Раматов**

2022 йил “29” апрель

**Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилиш**
**БАЁНИ № 9**

2022 йил 29 апрель Тошкент шаҳри

**Раислик қилди:** **А.Ж. Раматов** – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари

**Қатнашдилар:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари *(рўйхат бўйича)*

## КУН ТАРТИБИ:

**2022 йилда йўл-транспорт инфратузилмаси объектларида қурилиш-таъмирлаш ишларини жадаллаштириш тўғрисида**

*(Раматов, Абдувалиев, Назаров, Хайдаров, Раматов)*

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш ишлари билан боғлиқ харажатлар учун давлат бюджетидан **4 820,4 млрд сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Жумладан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий ва мукаммал таъмирлаш, сақлаш, қишки қаров, кўкаламзорлаштириш ишларига **2 135,0 млрд сўм** йўналтирилиши белгиланган.

Мазкур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг берилган топшириқлари асосида тегишли лойиҳалар ва йўл хўжалигидаги тадбирларга йўналтириш бўйича Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан таклифлар киритилди.

Шундан келиб чиқиб, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2022 йилда ажратилиши кўзда тутилган маблағларни биринчи навбатда олдинги йилларда бажарилган ишларнинг кредитор қарздорликларини қоплаш, йилдан-йилга ўтувчи объектларнинг қолдиқ ишларини якунлаш ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимликларининг таклифларини инобатга олган ҳолда, кўзда тутилган маблағлар тегишли иш турларига йўналтирилди ҳамда 2022 йилги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини мукаммал таъмирлаш ишлари дастури шакллантирилди.

Кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида мажлис **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий ва мукаммал таъмирлаш, сақлаш, қишки қаров, кўкаламзорлаштириш ишларига ажратилган маблағларнинг тақсимоти **1-иловага;**

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг эксплуатация харажатларига (жорий таъмирлаш, сақлаш, қишки қаров ва кўкаламзорлаштириш) ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумот **2-иловага;**

2022 йилги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини мукаммал таъмирлаш дастури (кейинги ўринларда – мукаммал таъмирлаш дастури деб юритилади) **3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

2. **Автомобиль йўллари қўмитаси** (Абдувалиев) мукаммал таъмирлаш дастурига киритилган:

а) йилдан-йилга ўтувчи объектлар бўйича:

**бир ҳафта муддатда** пудратчи ташкилотлар билан қўшимча келишувлар тузилишини;

**ўн кун муддатда** 2022 йил учун қурилишларнинг манзилли рўйхатини Молия вазирлигига келишиш учун киритилишини;

б) янгидан бошланувчи объектлар бўйича:

**икки ой муддатда** лойиҳа-смета хужжатларини сифатли ва ўз вақтида ишлаб чикилишини, шунингдек ўрнатилган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини;

**уч ой муддатда** танлов (тендер) савдоларини ўтказилишини ва пудратчи ташкилотлар билан шартномалар тузилишини;

харид қилиш тартиб-таомиллари якунланганидан кейин **ўн кун муддатда** қурилишларнинг якуний манзилли рўйхатини Молия вазирлигига келишиш учун киритилишини таъминласин.

Шунингдек, мукаммал таъмирлаш дастури доирасида ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилиши, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган холда бажарилаётган йўл қуриш-таъмирлаш ишлари сифатли амалга оширилишини ҳамда шаҳарсозлик қоидалари ва меъёрларига қатъий риоя қилинишини назорат қилсин.

3. **Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси** (Салихов) ўрнатилган тартибда йўл қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли бажарилишини назоратга олсин.

4. **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига:**

мукаммал таъмирлаш дастури ижроси сўзсиз таъминланиши учун йўл-қурилиш пудрат корхоналарига маиший ва бошқа зарур қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда шу билан бир қаторда йўл техникалари ва меҳнат ресурсларини бошқа ишларга жалб қилинишига йўл қўймаслик;

мукаммал таъмирлаш дастурига киритилган объектларда қуриш-таъмирлаш ишлари тугаган объектларни фойдаланишга топшириш ва қабул қилишда тегишли ишларни қабул қилиш ва топшириш комиссияларининг ишларида ўз вакилларининг иштирокини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

5. **Автомобиль йўллари қўмитаси** (Абдувалиев), **Молия вазирлиги** (Хайдаров) билан келишилган ҳолда мукаммал таъмирлаш дастури доирасида ажратилган маблағларни тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида, ажратилган лимитларни қайта тақсимлаш ишларини амалга оширсин.

6. **Транспорт вазирлиги** (Махкамов), **Автомобиль йўллари қўмитаси** (Абдувалиев), **Молия вазирлиги** (Хайдаров) амалдаги автомобиль йўллари соҳасига оид меъёрий ҳужжатларни (қоидалар ва нормалар) халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда янги меъёрларни ишлаб чиқиш ишларига талаб этилаётган 3,0 млрд сўмни 2022 йилда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ишлари учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан йўналтирилишини таъминласин.

Бунда, **Транспорт вазирлиги** (Махкамов) **Қурилиш вазирлиги** (Закиров) ва **Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси** (Салихов) билан биргаликда автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш ишлари бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларни хатловдан ўтказиб, хорижий тажрибани, заруратдан келиб чиқиб белгиланган тартибда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, замонавий технологиялар ва машина-механизмлардан фойдаланишни назарда тутувчи янги меъёрларни ишлаб чиқилишини ва йўл хўжалигидаги харажатларни камайтириш чоралари кўрилишини таъминласин.

7. Тегишли буюртмачилар лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар билан биргаликда мазкур баёндан келиб чиқиб, объектларнинг фойдаланишга топшириш муддатини ўрнатилган тартибда қайта кўриб чиқсинлар ҳамда заруратдан келиб чиқиб танлов савдолари комиссиясининг тегишли рухсати асосида қўшимча келишувларни расмийлаштирилишини таъминласинлар.

8. **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги** (Бобоев), **Молия вазирлиги** (Ишметов), **Автомобиль йўллари қўмитаси** (Абдувалиев)га Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва саноат базаларини модернизация қилиш ишларига маблағ ажратилмаётганлиги сабабли "Бекободйўлиндустрия" унитар корхонаси ишлаб чиқариш ва саноат базасини модернизация қилиш объектини далолатномага асосан жорий ҳолатда фойдаланишга қабул қилишга рухсат берилсин ҳамда "Бекободйўлиндустрия" унитар корхонасига объектнинг кафолат муддати тугагандан сўнг тўланадиган 5 фоизлик кафолат маблағини тўлаб берилишига;

4Р119 "Чортоқ ш. – Калишоҳ қ. – Ҳазратишоҳ қ. – Заркент қ." автомобиль йўлининг 40-50 км қисмини тўла таъмирлаш объектидаги қўшимча бажарилган ёритиш тизимидаги иш ҳажмларини объект 40-45 км қисми фойдаланишга топширилганлигини инобатга олиб, ҳозирда қурилиш монтаж ишлари амалга оширилаётган шу автомобиль йўлининг 45-50 км қисмининг лойиҳа-смета ҳужжатларига қўшимча сифатида киритилишига;

4Р238 "Самарқанд ш. – Булунғур ш. – Тўрон қ. – Аламлик қ." автомобиль йўлининг 32-37 км қисмидан янги Булунғур сув омбори қурилишига оғир юк ташувчи автомобилларнинг тўхтовсиз ўтиши натижасида ҳозирда мавжуд йўл қопламаси бутунлай бузилиб кетганлигини инобатга олиб, объектнинг тўла таъмирлаш лойиҳасини йўлнинг мавжуд ҳолатидан келиб чиқиб янгидан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишига, бунда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тегишли маблағларни 2022 йил тўла таъмирлаш дастурида келгуси йиллар лойиҳа қидирув ишлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ажратилишига;

4Р50 "Тойлоқ қ. – Ургут ш." автомобиль йўлининг 22-24 км қисмини тўла таъмирлаш объекти ҳамда 4Р47 "Булунғур ш. – Ургут ш. – М39" автомобиль йўлининг 53-60 км қисмини тўла таъмирлаш объектларини шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида йўл четидаги юқори кучланишли электр тармоғини бошқа жойга кўчириб, ўрнига замонавий типдаги ёритиш тизимини ўрнатиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига қўшимча киритилиб, қурилиш монтаж ишларига қўшимча маблағ ажратилишига;

туристик зоналар ҳудудида туризм инфратузилмаси объектларини самарали фаолият юритиши учун зарур инвестициявий шарт-шароитларни яратиш мақсадида "Хўжакент" темир йўл станцияси томонидан автомобиль йўлини кесиб ўтувчи барча қулайликларга эга бўлган ер ости пиёдалар ўтиш йўлини ҳамда мавжуд йўл бўйлаб автомобиллар учун хавфсиз автотураргоҳ қуриш ишларини 4Р12 "Бектемир ш. – Чирчиқ ш. – Ғазалкент ш. – Чорбоғ қўрғони" автомобиль йўлининг 71-74 км қисмини тўла таъмирлаш объекти лойиҳа-смета ҳужжатларига қўшимча равишда киритилиб, тегишли ўзгартириш киритилишига;

ҳудуднинг туристик салоҳиятидан ва уйғунлигидан келиб чиқиб, жойлашган биноларнинг ландшафт жойлашуви ва ҳамоҳанглигини инобатга олиб, 4Р6 "Тошкент ш – Чирчиқ ш – Чимён қ" автомобиль йўлининг

81 километрдаги 370-сон йўл таъмирлаш бўлимини (ДРП) тўла таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларига умумий қиймати доирасида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига;

4Р176 а "Нукус темир йўл станциясига" автомобиль йўлининг 0-10 км қисмини ва 4Р176 "Нукус ш. – Чимбай ш. – Тахтакўпир ш." автомобиль йўлининг 0-14,3 км қисмини қайта қуриш объектларида қурилиш қизил чизиғига тушган турар ва нотурар жойларни бузиш ҳамда дов дарахтларни кесиш ишлари бирмунча қийинчиликлар туғдираётгани ва бунинг натижасида объектларни ўз муддатида фойдаланишга топшириш ишлари кечикиб кетаётганлиги сабабли автомобиль йўлини ўша қисмларини 6 тасмадан 4 тасмага ўтказиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тегишли ўзгартириш киритилишига;

А380 "Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнеу" автомобиль йўлининг 765-806 км қисмини реконструкция қилиш объектини халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириш учун 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридаги келгуси йилларга лойиҳа қидирув ишлари учун ажратилган маблағлар доирасида Техник иқтисодий асос (ТИА) ишлаб чиқилишига;

Халқаро молия институтлари молиялаштириш манбалари ҳисобига амалга оширилаётган А373 "М39 автомобил йўли – Гулистон ш. – Бўка ш. – Ангрен ш. – Қўқон ш. ва Андижон ш. Орқали – Ўш шаҳрига" автомобил йўлининг Охангарон ва Ангрен шаҳарларини айланиб ўтувчи 37 км (тахминан) узунликдаги автомобиль йўлини қуриш" объектининг техник-иқтисодий асоси (ТИА) ишлаб чиқиллаётганлигини инобатга олган ҳолда, Оҳангарон ва Ангрен айланма йўлини боғловчи қўшимча равишда 31 км автомобиль йўлини 2022 йилда истиқболли лойиҳалар дастурига киритилиб амалга оширилишига;

2022-2024 йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда бошқа йўл ишлари дастурига киритилган умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларида жойлашган кўприклар, йўл ўтказгичлар ҳамда авария ҳолатидаги кўприклар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш объектлари учун талаб қилинадиган темир-бетон материаллари захирасини яратиш, объектларни муддатида фойдаланишга топшириш мақсадида, истисно тариқасида фақатгина ушбу материаллар учун буюртмачининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ 100 фоиз миқдорда олдиндан аванс тўловларини молиялаштирилишига розилик берилсин.

9. **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги** (Бобоев), **Молия вазирлиги** (Ишметов), **Автомобиль йўллари қўмитаси** (Абдувалиев) билан биргаликда:

"Ўзбекистон Темир йўллари" АЖ "Кўприк қурилиш трести" УК ҳузуридаги Кўприк қурилиш Дирекция ДУК Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган А380 "Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнеу" автомобиль йўлининг 208 километрдаги йўл ўтказгични реконструкция қилиш объектини қисқа

муддатда буюртмачи “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУКга топширилиши;

Бунда объектнинг мавжуд ҳолатидан келиб чиқиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ барча харажатларни 2022 йил иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастури доирасидаги келгуси йиллар лойиҳа қидирув ишлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплаб берилиши;

Тошкент шаҳрида кенг кўламли йўл ишлари олиб борилаётганлиги ҳамда олдинги йўллардан ўтувчи объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш мақсадида “Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК жорий йилда буюртмачи функциясини давом эттириши таъминлансин.

10. **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги** (Бобоев), **Молия вазирлиги** (Ишметов), **Автомобиль йўллари қўмитаси** (Абдувалиев), **Хоразм вилояти ҳокимлиги** (Эрманов) 4Р 158 “Урганч ш.-Хива ш.”, 4Р 162а “Урганч аэропортига” ҳамда 4Р 265 "Урганч-Хива" автойўли-Хива компрессор станцияси” автомобиль йўллари билан кесишувчи барча туташмаларга 200 метр узунликда асфальто-бетон қоплама ётқизишга рухсат берилсин.

Бунда туташадиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига асфальто-бетон қоплама ётқизиш республика бюджетидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилсин.

11. **Автомобиль йўллари қўмитаси** (Абдувалиев), **Хоразм вилояти ҳокимлиги** (Эрманов):

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларга туташадиган ички хўжалик йўлларига асфальто-бетон қоплама ётқизиш;

- Урганч шаҳар Ал-Хоразмий, Ғофур Ғулом, Шерозий, Хонқа ва Саёт кўчалари билан кесишувчи барча туташмаларга 200 метр узунликда асфальто-бетон қоплама ётқизиш;

- Урганч шаҳар Ал-Беруний кўчасини (Ғофур Ғулом кўчасидан А.Баҳодирхон кўчасигача) жорий таъмирлаш *(тўла таъмирлаш элементлари билан бирга)* ишларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Урганч шаҳридаги 40 км узунликдаги шаҳар кўчалари ва ички йўлларни жорий таъмирлаш ишлари учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 5 млрд сўм маблағлар ажратилсин.

Ушбу ишларга буюртмачи этиб “Хоразм вилоят минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК белгилансин.

12. **Хоразм вилояти ҳокимлиги** (Эрманов) Урганч шаҳар троллейбус парки ҳудудида асфальтобетон қоплама ётқизиш ишлари учун **10 кун муддатда** маҳаллий бюджет ҳисобидан маблағлар ажратилишини таъминласин.

4Р162 “Урганч айланма йўли” автомобиль йўлининг 0-3 км қисмига умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тунги ёритиш чироқлари ўрнатилсин ҳамда 0-6 км қисмидаги тунги ёритиш чироқлари Урганч туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари балансига ўтказилсин.

13. **Молия вазирлиги** (Хайдаров), **Автомобиль йўллари қўмитаси** (Абдувалиев) Автомобиль йўллари қўмитаси раиси ўринбосарлари ҳамда қўмитага навбатчи енгил автотранспорт воситалари қўмитанинг таркибий корхоналари тасарруфидаги автотранспортлардан бириктирилиши ва уларни сақлаш харажатлари Автомобиль йўллари қўмитасининг фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан марказий аппаратини сақлаш харажатлари сметаси доирасида амалга оширилишига рухсат берилсин.

14. **Молия вазирлиги** (Ишметов), **Автомобиль йўллари қўмитаси** (Абдувалиев) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сон қарорига асосан Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги соҳавий буюртмачи хизматлари ихтисослашувини инобатга олиб, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 924-сон қарори билан тасдиқланган тартиб талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

15. Ушбу баённома ижросини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибияти зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 29 апрелдаги 9 -сон баённига
1-илова

**Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари (шу жумладан, сунъий иншоотлар)ни жорий ва мукаммал таъмирлаш, сақлаш, қишки қаров, кўкаламзорлаштириш ишларига ажратилган маблағларнинг тақсимоти**

млн.сўм

| № | Харажатлар йўналиши | Лимит* |
|---|---|---|
| | **Жами:** | **2 135 000,0** |
| 1 | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини мукаммал таъмирлаш | 330 000,0 |
| 2 | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш | 904 000,0 |
| 3 | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш | 688 000,0 |
| 4 | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида қишқи қаров | 63 000,0 |
| 5 | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари атрофларини кўкаламзорлаштириш | 150 000,0 |

Изоҳ: *) Автомобиль йўллари қўмитасининг таклифига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 29 апрелдаги 9 -сон баёнига
2-илова

**Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг эксплуатация харажатларига (жорий таъмирлаш, сақлаш, қишки қаров ва кўкаламзорлаштириш) ажратилган маблағлар тўғрисида маълумот**

*млн.сўм*

| Т/р | Ҳудудлар номи | Жами* | шундан: | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жорий таъмирлаш | Сақлаш | Қишки қаров | Кўкаламзор-лаштириш |
| | **Жами:** | **1 804 992,8** | **904 000,0** | **687 992,8** | **63 000,0** | **150 000,0** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | **120 877,4** | 56 000,0 | 53 757,6 | 634,0 | 10 485,8 |
| 2 | Андижон вилояти | **90 438,6** | 45 000,0 | 33 846,7 | 936,5 | 10 655,5 |
| 3 | Бухоро вилояти | **133 953,4** | 75 000,0 | 45 346,5 | 805,0 | 12 801,9 |
| 4 | Жиззах вилояти | **96 468,1** | 49 000,0 | 35 432,1 | 1 660,9 | 10 375,2 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | **112 033,6** | 63 500,0 | 37 776,9 | 550,0 | 10 206,6 |
| 6 | Навоий вилояти | **114 645,2** | 63 000,0 | 38 702,8 | 1 369,0 | 11 573,5 |
| 7 | Наманган вилояти | **115 251,3** | 65 000,0 | 39 209,2 | 1 025,4 | 10 016,7 |
| 8 | Самарқанд вилояти | **163 408,7** | 102 442,0 | 43 766,7 | 2 339,1 | 14 860,8 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | **102 232,0** | 45 000,0 | 44 582,6 | 1 555,9 | 11 093,5 |
| 10 | Сирдарё вилояти | **76 797,2** | 40 465,0 | 26 346,0 | 686,1 | 9 300,1 |
| 11 | Тошкент вилояти | **288 631,6** | 138 000,0 | 115 622,9 | 15 249,9 | 19 758,7 |
| 12 | Фарғона вилояти | **148 181,8** | 81 593,0 | 55 536,5 | 812,2 | 10 240,1 |
| 13 | Хоразм вилояти | **91 387,4** | 55 000,0 | 27 982,2 | 1 273,6 | 7 131,6 |
| 14 | "Қамчиқавтойўл" ИЙФУК | **146 750,4** | 25 000,0 | 86 147,9 | 34 102,5 | 1 500,0 |
| 15 | Автомобиль йўллари қўмитаси (АКТ, диспетчерлик хизмати ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш харажатлари) | **3 936,1** | | 3 936,1 | | |

Изоҳ: *) Автомобиль йўллари қўмитасининг таклифига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.